

Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги
«Ягона дарча» маркази томонидан
“ 18 ” 11 2016 йилдаги № 172-сонли
реестр тартиб рақами билан



“Navoiyazot”
акциядорлик жамияти акциядорлари
умумий йиғилишининг
2016 йил “25” октябрдаги № 27
қарори билан

“РЎХАТГА ОЛИНГАН”

RO'YXATDAN O'TKAZILDI

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“NAVOIYAZOT” акциядорлик жамияти
акциядорлари умумий йиғилишининг
2016 йил «25» октябрдаги № 27 сонли
қарори билан тасдиқланган жамият Уставига (янги тахрир)
қиритилаётган ўзгартиришлар ва қўмишчалар матни**

Эски тахрир	Янги тахрир
7.1.3 Қўшимча акциялар эълон қилинган жамият уставига белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Navoiyazot томонидан жойлаштирилиши мумкин. Жамиятнинг устав фондиди акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.	7.1.3 Қўшимча акциялар Navoiyazot томонидан жамият уставига белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жойлаштирилиши мумкин.
13.1.1. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ҳар йилда камида бир марта, молиявий йил яқунлангандан сўнг 6 (олти) ойдан кечиктирилмасдан чақирилади.	13.1.1. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ҳар йилда камида бир марта, молиявий йил яқунлангандан сўнг 6 (олти) ойдан кечиктирилмасдан чақирилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда 30 июн санасигача ўтказилади.
14.1.10. мазкур Уставинг 14.4 ва 23.2.27 бандлари қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Navoiyazot нинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;	14.1.10. мазкур Уставинг 14.4 ва 23.2.27 бандлари қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Navoiyazot нинг йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
15.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишнинг расмий эълон қилинган санасидан 3 (уч) кун аввал шакллантирилган Navoiyazot акциядорлари реестрида рўйхатга олинган акциядорлар Navoiyazot Акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этишга ҳақли.	15.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишнинг расмий эълон қилинган санасидан 3 (уч) иш куни аввал шакллантирилган Navoiyazot акциядорлари реестрида рўйхатга олинган акциядорлар Navoiyazot Акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этишга ҳақли.
23.2.1. Navoiyazot фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;	23.2.1. Navoiyazot нинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш.

Бошқарув раиси в.в.б.



Н.Ё.Жураев